

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12. 2019.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ АКБАР ХАМИДОВИЧ

**ОЛИНАДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ БИЛАН ТУГАЛЛАНГАН
НУҚСОНЛАРНИ ПРОТЕЗЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жумаев Акбар Хамидович

Олинадиган тиш протезлари билан тугалланган нуқсонларни протезлаш
хусусиятлари 5

Жумаев Акбар Хамидович

Особенности протезирование съемными зубными протезами при концевых
дефектах 21

Jumayev Akbar Hamidovich

Features prosthetics with removable dentures for end defects 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 44

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12. 2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ АКБАР ХАМИДОВИЧ

**ОЛИНАДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ БИЛАН ТУГАЛЛАНГАН
НУҚСОНЛАРНИ ПРОТЕЗЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1231 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Акбаров Авзал Нигматуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар

Орешако Олег Васильевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Наварра университети
(Испания)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «23» август куни соат 12⁵⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (037 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «6» август куни тарқатилди.
(2021 йил «6» август даги 028 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

[Handwritten signature]

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда стоматология соҳасида имплантология ва стоматологик касалликларини даволашда эришилган ютуқларга қарамай, олиб қўйиладиган ортопедик конструкцияли протезлар билан муҳтож беморларни таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг келтирган маълумотларига кўра «...олиб қўйиладиган тиш протезлари билан ортопедик даволашга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги сабаблари орасида оғиз бўшлиғи санациясининг етарли даражада эмаслиги, беморларнинг стоматолокка ўз вақтида мурожаат қилмаслиги етакчи ўринни эгаллаб турибди»¹. Шу сабабли протез тайёрлаш учун ишлатиладиган материалларни яратиш ва технологияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда турли хил пластмассалардан тайёрланган протезларга организмнинг маҳаллий ва тизимли сезгирлигини камайтириш бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга акрил полимерлардан тайёрланган тиш протезлардан фойдаланганда протез ўрни ва шиллик қавати тўқималарда турли ўзгаришларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда протезларнинг биомослиги ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилашни таъминлайдиган материалларни яратиш ва технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, жумладан стоматологияда ва олиб қўйиладиган ортопедик конструкцияли протезларни сифатини яхшилаш ва улар билан беморларни тўла қонли таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...аҳолига тиббий хизматни соғлиқни сақлаш халқаро стандартлари талабларига мослаштириш ва мамлакатимиз турли минтақаларида касалликларини камайтириш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ортопедик стоматологияда тугалланган нуқсонларни инобатга оладиган тиш протезларини тайёрлаш, беморларни таъминлаш ҳамда даволаш ва профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-

¹ Ряховский А.Н. Метод укрепления базисов съемных пластиночных протезов сеткой из арамидных нитей и клиническая лценка его эффективности // Институт стоматологии. - 2012. - №2. - С.28-29.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармон

4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ортопедик стоматологияда олиб қўйиладиган тиш протезлари билан ортопедик даволанишга бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бораётгани барча мутахассислар томонидан таъкидлаб келинаётган ҳақиқатдир. Акрилл асосли полимердан тайёрланган тиш протезлари ишлов беришнинг мураккаблиги, тиш протези эстетик хусусиятлари йўқолиши, протезнинг оғиз шиллиқ қавати касалликларига сабаб бўладиган микроорганизмлар ўсишининг тезлашишига сабаб бўлиши, беморларнинг олиб қўйиладиган протезнинг ўзгариб қолган кўринишидан норозилиги каби камчиликларга эга (Дмитриенко С.В., 2013; Данилина Т.Ф., 2013; Михальченко Д.В., 2013; Ирсалиев Х.И., Нигматов Р.Н., Хабилов Н.Л., 2011; Lee S.J., 2008). Ҳозирги вақтда термопластик полимерларни инъекцион шакллаш технологиясига замонавий стоматологияда юқори эстетик стандартларга эришишга қаратилган истиқболли технология сифатида қаралади (Рыжова И.П., 2012; Скорикова Л.А., 2014; Gucht D.E., 2013). Ушбу технология нафақат мутахассислар, балки беморлар орасида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Улардан тайёрланган конструкциялар ўзининг берилувчанлиги, энгиллиги, қулайлиги ва юқори эстетикаси билан ажралиб туради (Коннов В.В., 2010; Fujii T.A., 2005).

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, термопластик полимерлардан ясалган протезларга яқуний ишлов бериш мутахассислардан кўп вақт, куч талаб қилади ва кўпинча ҳосил бўлган юза сифатидан норозилик хиссини қолдиради (Ирсалиев Х.И., Нигматов Р.Н., Хабилов Н.Л., 2011; Лебеденко И.Ю., 2013; Арутюнов С.Д., 2014). Бундан ташқари, олиб қўйиладиган эластик протезлар фойдаланиш даврида қўшимча, даврий профессионал гигиеник ёрдамни талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда термопластик полимерлардан тайёрланадиган эластик олиб қўйиладиган тиш протезларини тайёрлаш технологияси жараёнларини такомиллаштириш, уларнинг асосий хусусиятларини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб, қўшимча ўрганишни талаб қилади. Демак, ушбу ишда юқорида кўрсатилган, хали адабиётларда етишмайдиган муҳим маълумотларни такомиллаштиришдан иборат вазифаларнинг ечимини топиш, долзарб ҳал қилиниши зарур муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари

режасига мувофиқ «Бухоро минтақаси иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тугалланган нуқсонларни олинадиган тиш протезлари билан протезлашнинг хусусиятларини аниқлаш ва даволашда протез хом ашёсини танлашнинг мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қисман иккиламчи тишсизликда ҳар хил олинадиган тиш протез конструкциялари билан протезлашдан кейинги яқин ва узоқ муддатларда оғиз бўшлиғининг микробиологик ҳолатини ва маҳаллий иммун тизимини баҳолаш;

қисман иккиламчи тишсизликда ҳар хил олинадиган тиш протез конструкциялари билан протезлашдан кейинги яқин ва узоқ муддатларда оғиз бўшлиғининг рН муҳитни баҳолаш;

турли хил протезлардан фойдаланувчи, қисман тишсизлиги бўлган беморлар учун махсус сўровнома тизимини ишлаб чиқиш;

ҳар хил хомашёли тиш протезлари юзасининг гигиеник ҳолатини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

турли хом ашёли олинадиган тиш протезлари тақадиган беморлар учун протез хом ашёсини танлаш мезонларини ва протезлардан фойдаланиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институти ҳамда Тошкент давлат стоматология институтида назоратда бўлган қисман олиб қўйиладиган тиш протезларидан фойдаланадиган 67 нафар 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар ва 16 нафар соғлом шахслари олинган.

Тадқиқотнинг предмети стоматоскопия, сўровнома натижалари, бемор оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва тиш протезлари гигиеник ва микробиологик ҳолати, сўлакнинг иммунологик ва рН кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда стоматоскопия, тиббий-ижтимоий, гигиеник, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қисман тишсизликда ҳар хил хом ашёли олинадиган тиш протезлардан фойдаланганда протезларнинг гигиеник ҳолатини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.;

термопласт хом ашёли протезлар юзасида, акрил асосли протезлар юзасига қараганда агрессив турдаги бактериялар ва Candida типидagi замбуруғларнинг йиғилиб қолиши нисбатан камлиги исботланган;

«corega tabs» билан тиш протезларини тозалаш ва дезинфекциялаш ортопедик даволаш сифатини ошириши ва оғиз бўшлиғи саломатлигига ижобий таъсири асосланган;

қисман тишсизлиги бўлган олинадиган тиш протезларидан фойдаланадиган беморларни назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган,

протезлашдан кейинги яқин ва узоқ вақт давомида назорат ташрифлари ва вақтлари асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган тиш протезларининг гигиеник ҳолатини аниқлаш усули тугалланган нуқсонларни олинадиган тиш протезлари билан протезлашнинг хусусиятларини аниқлаш ва даволашда қўллаш учун тавсия этилган;

турли материаллардан тайёрланган олиб қўйиладиган тиш протезлари қўлланилган беморларни протезлашдан сўнг, атрофияни секинлаштирувчи ва протездан фойдаланиш муддатини узайтиришда хизмат қиладиган протездан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилган;

протез хом ашёсини танлаш мезонлари ва протезлардан фойдаланиш алгоритми протез ўрни рельефи ўзгариши интенсивлиги ҳақидаги маълумотлар ортопед-стоматологлар амалиётида қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар, халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хом ашёли протезлардан фойдаланганда беморлар учун протездан фойдаланишнинг истиқболли алгоритми ишлаб чиқилганлиги, олиб қўйиладиган протезларнинг гигиеник ҳолатини сақлаш учун «Corega tabs» антибактериал препаратининг самарадорлиги тасдиқланганлиги, тиш протезларининг гигиеник ҳолатини аниқлаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли материаллардан тайёрланган олиб қўйиладиган тиш протезлари қўлланилган беморларни протезлашдан сўнг, атрофияни секинлаштирувчи ва протездан фойдаланиш муддатини узайтиришда хизмат қиладиган протездан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тугалланган нуқсонларни олинадиган тиш протезлари билан протезлашнинг хусусиятларини аниқлаш ва даволашда протез хом ашёсини танлашнинг мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тугалланган нуқсонни бор беморларда турли хом ашёли олинадиган тиш протезлари билан протезлашда оғиз бўшлиғи ҳолатини таъсирланишини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Турли хил хом ашёли олинадиган тиш протезларидан фойдаланганда оғиз бушлиғи ҳолатини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/651-сон маълумотномаси). Натижада турли материаллардан тайёрланган

олиб қўйиладиган тиш протезларининг оғиз бўшлиғининг ҳолатини аниқ баҳолаш имконини берган;

туғалланган нуқсонлари бор беморларда олинадиган тиш протезлари юзасининг гигиеник ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Олинадиган тиш протезлари юзасининг гигиеник ҳолатини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8 н-р/651-сон маълумотномаси). Натижада қисман ёки тўлиқ тишсизлиги бўлган беморларнинг тиш протезлари юзаси гигиеник ҳолатини даражасини баҳолаш имконини берган;

туғалланган нуқсонларни олинадиган тиш протезлари билан протезлашнинг хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ғиждувон, Вобкент, Ромитан туман тиббиёт бирлашмалари ва Когон шаҳар стоматология поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги 8н-д/4-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши олинадиган протез юзасининг гигиеник ҳолатини аниқлаш ва турли материаллардан тайёрланган олинадиган тиш протезлардан фойдаланганда оғиз бўшлиғи ҳолатини таҳлил қилиш учун самарали тизимни ишлаб чиқишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, оммалаштирилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Тишларнинг қисман етишмаслигида олиб қўйиладиган протезлар билан ортопедик

даволашга эҳтиёж» диссертациянинг танланган мавзуси бўйича чет эл ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг илмий тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган. Ҳозирги вақтда қисман иккиламчи тишсизлик тиш-жағ тизимнинг кенг тарқалган патологияларидан бирилиги, қисман тишсизлиги бор беморлар ҳақидаги статистик маълумотлар, олиб қўйиладиган протезларнинг протез ўрнига таъсири, протез ўрни шиллик пардасининг берилувчанлиги, олиб қўйиладиган протезлардан фойдаланишда протез ўрни тўқималарининг ўзгаришларига таъсир қилувчи омиллар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тугалланган нуқсонларни олинадиган тиш протезлари билан протезлашнинг хусусиятларини аниқлаш бўйича материал ва усуллар»** клиник материалга тавсиф ва фойдаланилган усуллар батафсил баён этилган.

Тадқиқотларга 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган 67 нафар қисман тишсизликга эга шахсларнинг умумий тавсифи келтирилган. Назорат гуруҳига 23 нафар соғлом шахслар киритилган. Беморларнинг 33 нафари эркак ва 34 нафар аёл бўлган. Назорат гуруҳига киритилган шахсларнинг 10 нафари эркак 13 нафари эса аёл бўлган.

Барча текширилувчилар уч гуруҳга ажратилган:

1-гуруҳ (асосий гуруҳ) - термопластик полимердан тайёрланган Квадротти протезлари ўрнатилган беморлар (n=34).

2-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) - «Фторакс» акрил полимеридан тайёрланган тиш протезлари қўлланилган беморлар (n=33).

Назорат гуруҳи - соғлом шахслар (n=16).

Тиббий-ижтимоий тадқиқотлар асосида сўровнома ўтказиш ёрдамида олиб қўйиладиган протезларнинг клиник ҳолатини аниқлаш мақсадида беморлар учун махсус сўровнома ишлаб чиқилган. Сўровнома орқали аввал протездан фойдаланганлиги, протезни гигиеник парвариш қилишга бўлган муносабати, гигиеник воситалардан фойдаланиши, протезни профессионал тарзда тозалатганлиги, протездан мамнунлиги, протез таққандан сўнг кўникиш даврининг қачон бошланганлиги каби маълумотлар аниқланган.

Олиб қўйиладиган тиш протезлари юзаси гигиеник ҳолатини аниқлаш мақсадида махсус усул ишлаб чиқилган ва фойдали моделга патент олинган (Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган фойдали модел учун патент FAP 01527 19.03.2020). Ишлаб чиқилган усулда олиб қўйиладиган протезнинг юзаси фронтал ва латерал сегментларга ажратилган, уларнинг чегаралари тиш протезидаги қозик тишларнинг ўртасидан чизилган чизик бўлиб, метилен кўки эритмаси билан бўялган, 5 сония давомида сув билан ювилган ва 10 сония давомида ҳаво оқими билан қуритилган, сегментларнинг бўялиш даражасига қараб тиш протезларининг гигиеник ҳолати аниқланган. Бу ҳолда олиб қўйиладиган протезнинг юзаси қуйидаги сегментларга бўлинган: 1- ва 2-сегментлар - олдинги тишлар соҳаси; 3- ва 4-сегментлар - чайнов тишлари соҳалари. Протезларнинг гигиеник ҳолати қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланган: 1-даража 1-сегментни бўялиши – қониқарли гигиена даражаси; 2-даража 2-3-сегментлар бўялиши - ўртача гигиена даражаси; 3-даража 1-, 2-, 3-, 4-сегментлар бўялиши - қониқарсиз гигиена даражаси; 4-даража олиб қўйиладиган протезлар оғиз бўшлиғининг шиллик

қаватига қараган бутун юзасининг бўялиши - гигиенанинг ёмон даражаси. Протез юзаси бўялиш даражасига қараб беморларга керакли тавсиялар берилган.

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолатини баҳолаш. Шиллик қават ҳолати, унинг ранги, намлиги ва берилувчанлиги даражаси билан баҳоланган. Уларнинг мавжудлиги ва баҳоланиши учун Йорданишвили А.К. (2007) томонидан таклиф қилинган протез стоматитлари таснифи қўлланилган. Шиллик қаватнинг яллиғланиш реакцияси Каливраджиян Э.С. (2003) томонидан тавсия этилган усул ёрдамида аниқланган.

Динамик кузатиш босқичларида шиллик қаватининг яллиғланиш соҳаларини аниқлаш учун протезнинг ички юзасини 1:1:4:3 нисбатдаги цинк оксиди, сувли поливинил спирти ва истеъмол крахмали аралашмаси суртилган, сўнг юза қуритилган. Шундан сўнг, протез ўрнидаги шиллик қаватга Шиллер-Писарев аралашмаси сурилган ва бир дақиқадан сўнг эмулсия билан ишлов берилган протез оғиз бўшлиғига маҳкамланган. Бир неча сония давомида бемор чайнаш ҳаракатларини бажарган. Кейин протез оғиз бўшлиғидан чиқарилган. Аралашмадаги йод крахмал билан реакцияга киришади. Протез базиси ички юзасида пайдо бўлган кўкимтир соҳалар шиллик қаватдаги яллиғланиш ўчоқларини топографик жойлашган жойини билдирган. Яллиғланиш зоналари майдонини миқдорий ўлчаш учун оғиз шиллик қаватининг бўялган қисмига миллиметр бўлинишли полиэтилен плёнка қўйиш орқали амалга оширилган. Яллиғланиш зонаси кейинчалик компьютер дастурида «гистограмма» функцияси билан сканердан ўтказилган ва майдони ҳисоблаб чиқилган. Танланган гуруҳлардаги беморларнинг яллиғланиш реакцияси кўрсаткичлари умумлаштирилган. Кейин улар клиник гуруҳлар ўртасида қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолати динамикаси 3, 14 кундан сўнг, 1, 3, 6 ой давомида кузатилган.

Оғиз суюқлиги рН қийматини аниқлаш учун, текис ишчи юзали махсус вакуум электродлари бўлган асбобдан (рН-метр) фойдаланилган, бу эса ўлчаш электроди ва таққослаш электродлари ўртасида қаттиқ боғланишни таъминлаган. рН-метр таркибидаги «рН-121» моделдаги милливольтметр паст иссиқлик инерциясига эга ва натижани бир неча сония ичида олиш имконини берган.

Тадқиқотларда беморлар протезлашдан олдин ва кейин микробиологик текширувлар ўтказилган. Бемордан олинган сўлак лабораторияда кетма-кет суюлтиришлар серияси тайёрланган, сўнг уларнинг маълум ҳажми дифференциал-диагностик озуқа муҳитлари юзасига қуйилган. Анаэроб микробларни ажратиш учун уларни табиий газ билан тўлдирилган муҳрланган полиэтилен пакетларда ўстириш усулидан фойдаланилган. Ундирилган микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциацияси Bergy's Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича амалга оширилган.

Сўлакдаги нейтрофиллар фагоцитар фаоллигини аниқлаш учун материални танлаб олиш ва ишлов бериш Темурбаев М.А. (1984) усулини модификация қилган Антонов А.В. (1996) усулида амалга оширилган. Сўлакдаги лизоцим фаоллигини стерил қоғозли дискларда Алиев Ш.Р. (1994)

усули ёрдамида аниқланган. Секретор А иммуноглобулинини аниқлаш Манчини усулига (1964) асосланган.

Статистик ишлаш стандарт клиник кўрсатмалар асосида амалга оширилган. Клиник текширув натижаларини ишлаш Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Excell амалий офис дастурлари ва STATPLUS (2009) биостатистик программаси ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), унинг стандарт хатоси (m), ишончилиги кўрсаткичлари (P) ва Стъюдент мезонини ҳисоблаш билан амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Беморларда олиб қўйиладиган тиш протезлари клиник ва гигиеник ҳолатини баҳолаш»** асосий ва таққослаш гуруҳлари беморларини қисман олиб қўйиладиган тиш протезлари билан протезлашдан сўнг 1 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда клиник, гигиеник ва тиббий-ижтимоий жиҳатларини солиштирма ўрганиш натижалари келтирилган.

Олинган натижалар, квадrotи протези ва акрилли тиш протезлари тақилган беморларда клиник белгиларнинг аниқланиши ўзаро фарқ қилганлигини кўрсатган. Тадқиқот гуруҳлардаги 100% беморларда протезларнинг тозалиги кўрсаткичи бўйича олинган маълумотларга кўра, бутун фойдаланиш даврида энг ёмон натижа - 5,0-5,5 пунктга тўғри келадиган «жуда ёмон гигиена даражаси» аниқланмади Асосий 1-гуруҳдаги беморларда бир ойдан сўнг олиб қўйиладиган протез конструкцияларининг ҳолати 5 кишида «қониқарли» (31,3%), 11 кишида (68,7%) яхши даражада. Ёмон натижалар кузатилмади. Таққослаш гуруҳи беморларида бир ойдан кейин олиб қўйиладиган протез конструкцияларининг ҳолати 9 кишида (52,9%) – яхши даражада, 5 кишида (29,4%) - «қониқарли» даражада, 1 кишида (5,9%) – ёмон даражада бўлди. Сўровнома натижаларига кўра, 3 ойдан кейин беморлар протезлардан доимий ва қулай фойдаланаётганликлари тўғрисида хабар беришди. Уларнинг барчаси ўзларига қўйилган конструкцияларининг эстетик хусусиятларидан мамнунликларини билдирдилар. 6 ойдан кейин профессионал баҳолашда 2-гуруҳида ахвол ёмонлашди. Бутун кузатув даврида протезлар тозалиги индексининг натижаларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин. Квадrotти протезларидан фойдаланадиган 1-гуруҳдаги шахслар орасида яхши натижалар кўп аниқланган. Ўртача натижалар - 2-гуруҳда, акрилли протездан фойдаланувчи шахсларда аниқланган.

Протезлашдан сўнг шиллиқ қават ҳолатини ўрганиш натижасида беморларнинг барча гуруҳида ҳар хил интенсивликдаги рангли ўчоқлар шаклида яллиғланиш реакциялари мавжудлиги аниқланган.

Олинган маълумотларнинг таҳлилида яллиғланиш реакциясининг ўртача энг юқори кўрсаткичлари олиб қўйиладиган протезлар қўйилгандан кейинги биринчи ҳафтада кузатилган. Бундан ташқари, шиллиқ қаватнинг реакцияси протез базиси хусусиятларига боғлиқ ва Квадrotти протезига нисбатан, акрилли протезларда кучлироқ намоён бўлган ва $314,8 \pm 0,03$ мм ташкил этган. Бу мослашиш жараёнларининг атиги 32% ўзгаришларига тўғри келган.

Тадқиқотлар маълумотларидан кўриниб турибдики, ойнинг охирига келиб, кўпчилик беморларда протез ўрни шиллик қавати фаолиятнинг янги шароитларига мослашган.

1-гуруҳдаги беморларда яллиғланиш ўчоқлари топилмади, иккинчи гуруҳда эса 75,2 мм ни ташкил этган.

1 - жадвал

Шиллик қаватни яллиғланиш реакциясининг ўртача қиймати, мм

Вақт	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
3 кун	295,2±0,03	462,2±0,04
1 ҳафта	139,6±0,01	314,8±0,03
1 ой	-	75,2±0,02
3 ой	-	-
6 ой	-	45,1±0,03

Эслатма: $p < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан муҳим фарқлар

Уч ойдан сўнг барча беморларда протез ўрнининг шиллик қавати шароитга мослашди ва шиллик қаватнинг яллиғланиш реакцияси аниқланмаган.

Олти ойдан сўнг ўтказилган узоқ муддатли кузатувлар таҳлили шуни кўрсатдики, «Квадротти» протезлардан фойдаланувчиларда яллиғланиш ўчоқлари деярли кузатилмаган, иккинчи гуруҳда майдони -24 мм ни ташкил қилган.

Олинган маълумотлар, бу даврда протез ўрнининг асосий тўқималари атрофияси жараёнининг аломатлари, айниқса олиб қўйиладиган протезнинг қаттиқ асослари остида намоён бўлган деб тахмин қилиш имконини беради. 1-гуруҳда бу вақтда атрофиянинг йўқлиги, олиб қўйиладиган конструкция юзасининг сифати устунлигини кўрсатади. Протез ости тўқималарнинг ўзгариши туфайли, олиб қўйиладиган протезнинг маҳкам ёпишиб турмаслиги, кейинчалик протез ўрнининг шикастланишига, яллиғланишига ва тўқималарининг атрофиясига олиб келгани аниқланган.

Тадқиқот чоғида аниқландики, қисқа вақт ичида, бир ҳафта ичидаёқ, протез ўрни шиллик қаватининг яллиғланиш реакцияси, 1- гуруҳдаги беморларда 56% га пасаяди.


Ўтказилган баҳолашда биринчи гуруҳдаги беморларда протез ўрни шиллик қаватининг яллиғланиш жараёни динамикаси тезлигининг пасайишини кўрсатади, бу эса олиб қўйиладиган протез юзаси тузилишининг аҳамият касб этишини тасдиқлайди ва Квадротти протезлардан фойдаланиш афзаллигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг 10-кунига келиб тиш протезларининг 1 даражали ифлосланиши (23,5%), беморда, 2-даражали ифлосланиши (5,9%) беморда кузатилган, 3 ва 4-даражали ифлосланишлар аниқланмаган.

Тадқиқот натижасида қисман олиб қўйиладиган акрилли протезларнинг ифлосланиш ҳолатлари вақт ўтгани сайин ортиб бораётганини аниқланган. Улардан фойдаланиш давомийлигининг ошиши билан

протезларнинг III ва IV юқори даражали ифлосланган ҳолатлари кўпайган. Шу билан бирга, протезларнинг I ва II даражали ифлосланиши доимий равишда юқори даражада сақланиб қолганлиги аниқланган.

Тишларни протезлагандан кейин, кўрув муддатларига қараб, протез юзаларининг ифлосланишини учрашини қиёсий баҳолаш 1-расмда келтирилган.



1-расм. Таққослаш гуруҳи беморларида тиш протезларининг гигиеник ҳолатини даражалардаги кўрсаткичлари, %

Гигиена ҳолатининг бузилиши билан бирга 2-гуруҳдаги 28 (54,9%) беморларда 90-чи кунга келиб тўлиқ олиб қўйиладиган тиш протезларининг юзаларида юмшоқ караш пайдо бўлганлиги ва 9 (17,6%) беморда қаттиқ караш пайдо бўлганлиги аниқланган ва протезни силлиқлашга тўғри келган. Тадқиқотнинг 180- кунда ушбу беморлар гуруҳида деярли бир хил жойда (асосан, фронтал тишларнинг тил томонида) ва чайнов тишларининг лунж томонида (78,4%) та беморда юмшоқ тиш караш ва (21, 6%) та беморда қаттиқ тиш караш аниқланган ва протезга ишлов беришга ва силлиқлашга тўғри келган, 360 кунда 2 гуруҳдаги (37,3%) та беморларда юмшоқ ва қаттиқ тиш караш хосил бўлишининг аралаш тури кузатилди, (5,9%) та беморларда юмшоқ, (56,9%) та беморларида қаттиқ карашлар аниқланган. Тадқиқотда текширилаётган 2-гуруҳдаги беморларда протезлашдан кейин оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва протезларнинг клиник, стоматоскопик ва гигиеник кўрсаткичларнинг бузилиши кузатилди. Аниқланган бузилишлар даражаси протезлашдан кейинги давр давомийлиги билан белгиланади.

Шубҳасиз, оғиз бўшлиғи pH қийматининг ўзгаришида, олиб қўйиладиган протезлар юзасидаги гигиенанинг бузилиши, уларда қаттиқ ва юмшоқ карашлар пайдо бўлиши муҳим рол ўйнайди.

Кузатувлар натижалари кўрсатганидек, протезлашдан олдин 2 гуруҳ беморларини оғиз суюқлигининг pH қиймати назорат гуруҳи маълумотлари даражасига яқин эди.


Протезлашдан 10 кун кейин ҳам оғиз суюқлигининг pH қийматида аниқ ўзгаришлар бўлмаган. 90 кундан кейин оғиз суюқлигининг pH даражаси ишқорий томонга силжиган ва pH - 7.35 (P < 0.01) га етди ва протезлашдан 180 ва 360 кун ўтгач, pH қиймати мос равишда 7.63 ва 7.61 бўлган. Шунинг

учун юмшоқ ва қаттиқ карашлар ҳосил бўлишида, гигиеник шароитларни бузилиши ва олиб қўйиладиган протезларни сақлаш ва ишлатиш механизмидаги муҳим шарт бу оғиз суюқлигини рН муҳитини ишқорий бўлишидир. Кўпгина тадқиқотлар бўйича оғиз суюқлигини рН муҳитини ишқорий бўлиши, оғир петрификатлар ҳосил бўлишига шароит яратадиган, паст молекулали суспензияланган бирикмаларнинг манфий ионлари юзасига ёпишган Са⁺нинг электростатик хусусиятларини молекуляр ва физик-кимёвий модификациясининг муҳим механизми ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида, 1-гурӯх шахсларида анаэроб бактериялар $7,6 \pm 0,51$ КОЕ/мл, лактобактериялар - $5,40 \pm 0,24$ КОЕ/мл, пептострептококклар - $6,0 \pm 0,23$ КОЕ/мл, аэробларнинг умумий сони $6,30 \pm 0,41$ КОЕ/мл, эпидермал стафилококклар $2,15 \pm 0,12$ КОЕ/мл, сапрофит стафилококклар - $3,30 \pm 0,17$ КОЕ/мл, Д - гурӯх стрептококклари $4,30 \pm 0,23$ КОЕ/мл, Candida типидagi замбуруғларнинг ҳам кам миқдорда мавжудлиги - $1,30 \pm 0,20$ КОЕ/мл аниқланган.

Маҳаллий иммунитетни ва носпецифик ҳимоя омилларини баҳолашда лизоцим миқдорининг юқорилиги аниқланган $-18,0 \pm 0,80$ мг%, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги - $55,3 \pm 1,20\%$, секреторлик миқдори sIgA - $2,0 \pm 0,10$ МЕ/мл. Бинобарин, соғлом шахсларнинг сўлагиди анаэроб микрофлора миқдори кўп бўлиши ва, сапрофит аэроб флора, бирмунча миқдорда Candida типидagi замбуруғлари мавжуд бўлади. Эшерихияларга тегишли микроорганизмлар, патоген микрофлоралардан тилларанг стафиллококкнинг А гурӯҳи, стрептококк ва бошқалар. умуман бўлмайди.

Микроб пейзажини таҳлил қилинганда, қисман олиб қўйиладиган тиш протезларидан узоқ вақт 6 ойдан 1 йилгача фойдаланаётган 2 гурӯх шахсларида назорат гурӯҳига нисбатан муҳим фарқлар аниқланган (2-расм).



2-расм. Оғиз бўшлиғи микрофлорасининг 2-гурӯх беморларда ўзгаришлари динамикаси, %

Шундай қилиб, 2- гурӯх маълумотлари билан таққослаганда, қисман олиб қўйиладиган Квадротти протезлари бўлган беморлар сўлагиди

анаэробларнинг умумий сони - 28,0%, лактобактерияларнинг - 25,9%, пептострептококкларнинг - 61,7%га сезиларли пасайиши кузатилган.

Аэроб флорани умумий миқдорини 28,7%га ошиши, тилларанг стафилококк 24,9%, эпидермал стафилококк 11,8%, ва сапрофит стафилококклар ва Д гуруҳи стрептококклар 10, 6 ва 23,3% га камайди.

Бир вақтнинг ўзида олиб қўйиладиган протезлардан фойдаланадиган беморлар сўлагида эшерихиялар, шу жумладан, лактозопозитив микроблар 24,7% га, лактозонегатив микроблар 430%га, *Candida* типигаги замбуруғлар 34,8%га ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар натижаларидан кўринадики, қисман олиб қўйиладиган акрилли тиш протезлари бўлган беморларда тиш протези қўйилгандан 360 кундан кейин сўлакда носпецифик ҳимоя омиллари миқдорининг пасайиши кузатилади. Назорат гуруҳи билан солиштириганда сўлакдаги лизозим миқдори 16,6 га ($P < 0,02$), нейтрофил лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги 18,4%га, секретор иммуноглобулин (sIgA) 49 % га пасайгани кўрилган.

Оптик тадқиқотларда протезларнинг силлиқ юзасида сезиларли миқдорда детрит ва микроорганизмлар аниқланган. Бир вақтнинг ўзида, электрон микроскопия маълумотларига қараганда детрит ва турли микроорганизмлар билан тиш қарши қолдиқларидан ташкил топган махсус дискрет қарашлар аниқланган. Ушбу бирикмалар тўғридан тўғри тиш протезларининг юзасида жойлашган бўлиб, улар шикастланган кўринишдаги протез қаршини шакллантирувчиси сифатида қабул қилинади.

Юқори катталаштиришда кўрганда, протезнинг юмшоқ қарашларида 1 – 1,5 дан бир неча микронгача турли ўлчовда таёкчалар кўринишидаги бактериялар ва кокклар аниқланган.

Протезлар юзасидаги қаттиқ қарашларнинг устидаги тузилмаларда ўзига хос фарқлар аниқланган. Паст катталаштиришда қаттиқ қарашлар ёрилиб кетган ерни эслатади. Замбуруғлар элементлари орасида тарвақайлаб кетган ва ҳосил бўлган қаттиқ қарашнинг ичкарасига кириб борган иплар кўпроқ ва улар шу тариқа замбуруғзор ёки мицелийни шакллантиради. Баъзи ипларда ўзига хос пуфакчалар шаклланади, улар замбуруғ спораларидир. Нурли электрон микроскопда протезларнинг қаттиқ қарашларини кўрилганда ип тўпламлари шаклидаги тузилмалар аниқланган, улар актиномицетлар вакиллари. Қаттиқ қарашларнинг юмшоқларга нисбатан ўзига хослиги шундаки, уларда замбуруғ элементлари орасида жуда кўп миқдордаги эритроцитлар мавжуд. Эритроцитлар нафақат қаттиқ протез юзасидаги тиш қаршида, балки унинг ичкари қисмида ҳам жойлашгани аниқланган.

Биобарин, ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, олиб қўйиладиган протезлардан узоқ вақт, 6 ойдан бир йилгача, фойдаланилганда оғиз бўшлиғининг микробиоцинози сезиларли бузилади, носпецифик ҳимоя омиллари лизоцим, нейтрофил лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги, секретор sIgA миқдори пасаяди. Юмшоқ ва қаттиқ қараш ҳосил бўлишида гистограммалар ва сканерловчи электрон микроскопия натижасида тасдиқланадиган стафилококклар, стрептококклар, хамиртурушсимон замбуруғлар, замбуруғлар споралари, бактериялар ва эритроцитларнинг патологик шакллари (дискоцитлар, эхиноцитлар, стоматоцитлар) муҳим омил

бўлиб, улар протезлар юзасида жигаррангдан тўқ-жигарранггача, баъзида эса қора рангли тиш карашлари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Протездаги қаттиқ тиш карашини бундай рангининг сабаби замбуруғларнинг тинкториал хусусиятларига ва замбуруғлар ва бактериялар элементлари орасида жойлашган эритроцитларнинг таркибидаги темир тутувчи пигментларига боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин.

Кузатув натижалари шуни кўрсатадики, олинадиган тиш протезлардан фойдаланадиган беморларда гигиена, профилактика чораларига риоя қилишларига қарамай, оғиз бўшлиғида микробиоценоз, иммунитетга чидамлик ва шиллик қаватнинг реактивлигини бузилишига қаратилган баъзи бир шароитлар мавжуд бўлиб, у оғиз бўшлиғи тўқималарида яллиғланиш кўринишидаги нуқсонларнинг ривожланиши билан, тўлиқ олинадиган протезлар юзасида эса унинг силлик юзасини деформацияловчи юмшоқ ва қаттиқ тиш карашлари пайдо бўлиши билан намоён бўлган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қисман олинадиган тиш протезларидан фойдаланадиган шахсларда оғиз бўшлиғини гигиеник ҳолатини меъёрда тутиш мақсадида гигиеник воситалардан фойдаланишни талаб қилади.

Биз тадқиқотда мақсадимизга эришиш учун «Corega tabs» таблеткаларидан фойдаландик. Бундай таблеткалардан фойдаланиш оддий бўлиб, оз миқдордаги илиқ сувда эритилади, протезни шу тозаловчи эритмага 15-30 дақиқа давомида тўлиқ ботириб қўйилади. Тозалашдан кейин протез оқар сув остида яхшилаб чайилади ва оғиз бўшлиғига махкамланади.

Микробиологик тадқиқотлар давомида қуйидаги маълумотлар олинди. Олиб қўйиладиган протезларнинг ички юзасидан олиб экилган микрофлора кўп ҳолларда оғиз шиллик қаватининг микрофлораси билан бир хил бўлди.

Оғиз бўшлиғидан олинган микроорганизмларининг миқдорий хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Оғиз бўшлиғидан олинган микроорганизмларнинг хусусиятлари

Гуруҳлар	1 гуруҳ			2 гуруҳ.		
	1 кун	14 кун	3 ой	1 кун	14 кун	3 ой
<i>B.subtilis</i>	4,5±0, 01	5,0±0, 03	4,4±0, 01	3,8±0, 01	5,8±0, 03	5,1±0, 01
<i>S. mutans</i>	5,3±0,01	5,7±0,04	5,1±0, 04	5,7±0, 04	6±0, 04	5,8±0, 04
<i>Streptococcus spp.</i>	5,1±0,02	5,4±0,02	4,8±0,03	5,3±0, 03	5,7±0, 02	5,3±0, 03
<i>Bifido bacterium</i>	3,5±0, 04	3,7±0, 01	3,3±0,02	3,7±0, 01	4,07±0 04	3,8±0, 03
<i>Candida albicans</i>	4,7±0, 02	4,8±0,005	4,6±0, 01	4,6±0, 02	5,6±0, 03	5,4=*) 01

Эслатма: $p < 0,05$ нинг статистик муҳим фарқлари

Олинган маълумотлар беморларнинг олиб қўйиладиган конструкцияларга мослашиши жараёнида тадқиқот гуруҳларида

микроорганизмларнинг миқдорий кўрсаткичида сезиларли ўзгаришлар ва фарқлар йўқлигини кўрсатди.

Олиб қўйиладиган протезлар қўйилгандан икки ҳафта ўтгач, олинган маълумотларни таҳлил қилиб, барча гуруҳларда микроорганизмларнинг миқдорий сезиларсиз кўпайишини умумий тенденциясини қайд этилди. Шиллиқ қаватнинг ифлосланиш даражаси ўртача 10% га ошди. Микроорганизмларнинг сезиларли даражада миқдорий ўсиши 1- гуруҳда қайд этилди - *S.mutans* $5,7 \pm 0,4$ lgКХҚБ/мл.; $5,8 \pm 0,12$ lgКХҚБ/мл. Шунингдек, *Streptococcus spp* кўрсаткичлари ошди: $5,4 \pm 0,02$ lgКХҚБ/мл, $5,9 \pm 0,01$ lgКХҚБ/мл. Анъанавий ишлов бериш усули билан тозаланган 2-гуруҳда, 2 ҳафтадан сўнг, олиб қўйиладиган протез ўрнининг шиллиқ қаватининг ва унга қўшни соҳаларнинг ифлосланиш даражаси ошади, *B. subtilis* учун ўртача қиймат $1,0$ lg КХҚБ/мл га, *Candida albicans* эса $0,9$ lg КХҚБ/мл га ўзгарган, бу кўрсаткич, ўсиш атиги $0,1$ lg КХҚБ/мл га тўғри келган 1- асосий гуруҳга қараганда кўпроқ.

Квадротти протези бўлган гуруҳда олиб қўйиладиган протез ва протез ўрни шиллиқ қаватининг қўшни соҳаларида микроблар ўсишининг ўртача кўрсаткичлари бироз фарқланди, *B. subtilis* $4,5 \pm 0,01$ lgКХҚБ/мл дан - $5,0 \pm 0,03$ lgКХҚБ/мл га ўзгарди; *S.mutans* ахамияциз ўзгариб, $0,31$ g КХҚБ/мл ни ташкил этди; *Streptococcus spp*, озгина ўзгарди, $5,1 \pm 0,02$ g КХҚБ/мл дан $5,4 \pm 0,02$ lg КХҚБ/мл гача. Дастлаб $4,7 \pm 0,02$ lgКХҚБ/мл бўлган *Candida albicans* учун деярли бир хил ўзгаришсиз, 2 ҳафтадан сўнг *Candida albicans* нинг ўртача қиймати $4,8 \pm 0,005$ lgКХҚБ/мл ва 3 ойдан кейин $4,6 \pm 0,01$ lgКХҚБ/мл, бу амалдаги бир хил қийматлар оралиғидадир.

Тадқиқот натижасида, олиб қўйиладиган протезларнинг ифлосланиш даражасини ва протез ўрни шиллиқ қаватининг яллиғланиш даражасини қиёсий баҳолаш орқали, биз оғиз бўшлиғининг нормал ва шартли патоген микрофлорасининг колонизациясини камайтириш мақсадида Квадротти протезларни фойдали деб ҳисобладик.

Диссетацяннинг тўртинчи бобида «**Corega tabs**» препаратини қўллашда, унинг микробларга қарши ва гигиеник фаоллигини ўрганиш натижалари» беморларни протезлашдан олдин ва кейин 3, 6, 12 ой ўтгач, текшириш натижалари келтирилган.

«Corega tabs» препаратининг микроорганизмларга қарши фаоллигини агарга диффузия қилиш усули билан аниқладик. Олиб қўйиладиган протезлардан фойдаланадиган беморларнинг оғиз бўшлиғидаги сўлакдан ажратилган шартли патоген бактерияларини тест культура сифатида ишлатдик.

«Corega tabs» таркиби қуйидагилардан иборат: натрий карбонат, натрий бикарбонат, натрий перборат, ПВК-30, ҳаворанг бўёк, лимон кислотаси, натрий лаурилсульфоацетат, калий моноперсульфат, натрия бензоат, протеолитик ферментлар, тетрацетилетилендиамин, ялпиз эфир мойи, полиэтиленгликоль 8000, полиметилсилоксан. Айнан шу турдаги

препаратлар протезларнинг кириб бориш қийин бўлган жойларига кириб бора олиш қобилияти туфайли энг кучли дезодоризация ва тозалаш хусусиятларига эга.

Микроорганизмларни синовдан ўтказишда мос келадиган озуқа мухитларидан фойдаландик: стафилококклар, энтерококклар учун ГПА; стрептококклар учун КА; ичак гуруҳи учун Эндо мухити; *Candida* типидаги замбуруғлар учун - Сабуро мухити. Шу билан бирга, озуқа мухити бор Петри ликобчаларига 10^8 микроб танаси/мл концентрацияли физиологик эритмадаги тест-культура микроб суспензияси экилди. Стерил қоғоз дисклар даволаш концентрацияларида «Corega tabs» га тўла сингдирилгандан кейин бу дисклар суткалик тест-культуралари агар озуқаси бор Петри ликобчаларига жойлаштирдик. Кейин Петри ликобчалари 37^0 С ҳароратда 24-48 соат давомида инкубация қилдик. Натижаларни дисклар атрофидаги тест-культураларининг ўсишини тўхташи зоналари диаметрларини ўлчаш йўли билан ҳисобладик. Микроблар ўсишининг 10 мм ли зоналарда микроблар чидамли, 11 - 14 мм зоналарда ўртача чидамли, 15 мм ва ундан кўп зоналарда сезгир ҳисобланган.

Тадқиқод натижалари, «Corega tabs» препарати беморларнинг сўлагидан ажратилган барча шартли-патоген микрофлорани ўсишини тўхтатишини кўрсатди. Аммо, препаратнинг микрофлорани ўсишини ингибирловчи таъсирининг кучи турлича бўлди. Беморларнинг сўлагидан ажратилган Грамм мусбат бактерияларнинг штаммларининг кўпчилигига нисбатан (*S.aureus*, *S.haemoliticus*, *Enterococcus spp* и *S.pyogens*) препарат юқори фаолликни кўрсатди ва фақат *Candida spp*. 1/3 штаммларига фаоллиги ўртача бўлган.

3-жадвал

«Corega tabs» препаратининг беморларнинг сўлагидан ажратилган барча шартли-патоген микрофлорага қарши фаоллиги

Тест – культуралар	Штаммлар миқдори	Ўсишнинг тўхташи зонаси, мм
<i>S.aureus</i>	13	21,3±0,47
<i>S.haemoliticus</i>	11	22,3±0,54
<i>S.pyogens</i>	10	19,6±0,58
<i>Enterococcus spp</i>	10	21,0±0,55
<i>E.coli</i>	11	19,2±0,58
<i>Proteus spp</i>	9	18,6±0,64
<i>Klebsiella spp</i>	7	18,1±0,40
<i>Candida spp</i>	10	16,8±0,45

Шундай қилиб, «Corega tabs» препарати беморларнинг сўлагидан ажраладиган шартли-патоген микрофлорага қарши сезгирлиги кенг спектрдаги фаолликка эга, улардан фойдаланганда протезларнинг гигиеник ҳолатини сезиларли даражада яхшилайти ва қисман олиб қўйиладиган протезлар хоа ашёсига салбий таъсир кўрсатмаслигини исботланган.

ХУЛОСА

1. Клиник тадқиқотлар натижасида Квадротти протези оғиз бўшлиғи муҳитида ўз ҳолатини ўзгартирмаслиги ва ўзида микроорганизмларни йиғилиб қолиш эҳтимоли пастлиги боис қисман тишсизликда қўллаш ва уни гигиеник парваришlash бўйича аниқ тушунчалар шакллантирилди.

2. Квадротти протезидан фойдаланганда оғиз бўшлиғида асоратлар сони 1,9 мартага ишонарли камайганлиги исботланди, беморларни ортопедик даволаш сифати ошгани аниқланди.

3. Акрил пластмассали протезлар базиси парадонтопатоген флорага адгезивлиги квадратти протезиган нисбатан юқори. Квадротти протезлари оғиз бўшлиғи микрофлорасининг колонизацион резистентлигига салбий таъсир кўрсатмади ва улар учун оптимал эканлиги аниқланди.

4. Квадротти протезлари акрилли протезларга қараганда оғиз бўшлиғидаги патоген ва шартли-патоген микроорганизмлар ва Кандида замбуруғларининг колонизациясини ишонарли равишда 1,3 мартага камайтиргани ва қисман тишсизликда ортопедик даво сифатини оширгани аниқланди.

5. Қисман олинадиган протезларни «Corega tabs» препарати орқали тозалаш ва дезинфекция қилганда микроорганизмлар кўпайишининг олди олинди, протезлар юзасидаги микрофлора сифатий жиҳатдан яхшиланди ва протез ўрни шиллик қаватидаги яллиғланиш реакцияси камайганлиги кўрсатиб берилди. Шиллик қаватнинг протезга мослашиш даврида салбий таъсирларга турғунлигини оширди, бу эса беморларни олинадиган тиш протезлари билан ортопедик даволаш сифатини яхшилаш имконини берди.

6. Олинадиган тиш протезларидан фойдаланадиган беморларда ишлаб чиқилган ва патентланган тиш протезлари гигиеник ҳолатини аниқлаш усулидан фойдаланганда тиш протезларининг гигиеник ҳолати ҳақида аниқ маълумот олинди ва кейинги ортопедик даво самараси ошганлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ЖУМАЕВ АКБАР ХАМИДОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ПРОТЕЗИРОВАНИЯ СЪЁМНЫМИ ЗУБНЫМИ
ПРОТЕЗАМИ ПРИ КОНЦЕВЫХ ДЕФЕКТАХ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2. PhD/Tib1231.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте, и Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещён на веб-странице (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу (www.ziyonet.uz).

Научной руководитель

Акбаров Авзал Нигматуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты

Орешако Олег Васильевич
доктор медицинских наук, профессор

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация

Университет Наварра (Испания)

Защита диссертации состоится «23» августа 2021 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019 Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи 1. Тел./факс: (+998 65) 223-00-50; (+99865 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 037). Адрес: 200118, г.Бухара, улица А.Наваи 1. Тел.: (+998 65) 223-00-50; (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «6» августа 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 028 от «6» августа 2021 года).

А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А.Нуралиев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на стремительное развитие стоматологии и достижения в области профилактики заболеваний челюстно-лицевой области, имплантологии, и лечения стоматологических заболеваний, число пациентов, нуждающихся в протезировании съёмными ортопедическими конструкциями зубных протезов, остается высоким. Среди причин, обуславливающих высокую потребность в ортопедическом лечении съёмными зубными протезами, по-прежнему лидирующую позицию, занимает «...недостаточная санация полости рта, несвоевременная обращаемость пациентов к стоматологу»¹. Кроме того, немаловажную роль играет проблема несовершенства материалов и технологий, применяемых для изготовления зубных протезов, приводящая к ухудшению состояния зубочелюстной системы.

По всему миру имеется много научных и научно-практических работ, посвященных местной и системной чувствительности организма на зубные протезы, выполненные из различных вида пластмасс. Результаты проведенных исследований подтверждают, что при использовании съёмных протезов из акриловых полимеров в тканях протезного ложа и слизистой оболочке полости рта часто наблюдаются изменения разного характера, а наиболее распространенные из них это воспалительные и дистрофические, связанные с механическими и токсико-аллергическими воздействиями материала базиса протеза. Однако качество съёмных протезов в большой доле зависит от изготавливаемого материала. Поэтому к улучшению биосовместимости и физико-химических свойств протезов уделяться особое интерес.

Благодаря независимости нашей страны поставленные задачи «...усовершенствовании системы здравоохранения адаптация медицинских услуг населению к требованиям международных стандартов здравоохранения и снижение стоматологических заболеваний в разных регионах страны...»². Это повышает качество и популярность эффективной медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, для создания эффективных моделей патронажной службы и медицинского осмотра, поддерживайте здоровый образ жизни и в том числе служит для профилактики различные заболевания, стоматологических заболеваний. Эти задачи помогут поднять уровень современных методов медицинской помощи, лечения, мероприятий, направленных на профилактику стоматологических осложнений в полости рта, на новый уровень и обеспечить качественную медицинскую помощь. Одним из самых основных и необходимых направлений ортопедической

¹ Ряховский А.Н. Метод укрепления базисов съёмных пластиночных протезов сеткой из арамидных нитей и клиническая оценка его эффективности // Институт стоматологии. - 2012. - №2. - С.28-29

² Указ Президента Республики Узбекистана от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан»

